

2007 йилнинг 24 октябри.
Кечаги кундан фарқ қилмаган бир тонг. Доимгидек иш куни. Аввал, "Сиёсат" газетасинининг офисига бир бош суқиб, бугунги ишларни режалаштирдик. Сўнг университетга, талабаларга дарс бериш учун ўтдим. У ердаги майда деталлар умуман эсимда йўқ. Умуман олганда одатий эди...

Тушга яқин тахририятга қайтдим. Офисда мен таниган, танимаган меҳмонлар бўлиб, умумий залда ниманидир муҳокама қилишарди. Газета эгаси, бош муҳарир эса ўз хонасида тамаки тутунига тўлган ҳонада асабий ҳолда ўтирарди. Мен уни бош муҳаррирдан кўра кўпроқ дўст сифатида қабул қилардим.

Муаммоларини бўлишиб енгиллармикин деган мақсадда гапга



БУГУНГИ СОНДА:

АБДУВАЛИ МИРЗАЕВНИ ҚАНДАЙ ЎЛДИРИШГАНИ ҲАҚИДА

1995 йилнинг 30 августида бир неча соат давом этган қийноқлар натижасида Абдували Мирзаев кўплаб тан жароҳати олади, унинг суяклари уриб синдиралади ва натижада бу жароҳатлардан хушга келмай вафот этади. (2-5-бетларда)

ҚАЧОНГАЧА ЗУЛМ ВА ЎЛИМ ҲУКМРОН?

Алам қиладигани, қачон шунчалик ёвузликка юз тутдик? Бир замонлардаги қўли гул, беминнат шифокорлар қаерда? Наҳотки инсон кўз кўринки ўлиб кетаверади? Ўлмаи нима қилсин, инсон умри, қадри бир пулга қиммат жойда зулм, ўлим ҳукмрон бўлмай, бахт-саодат гуркирасинми? (6-бетда)

"ҲАММАНГИЗНИ БАҒРИМГА БОСАМАН..." (ВА ОСАМАН...)

Телевизорда кўрсатаверади, ҳаммангизни бағримга босаман, дейди. Босаман дегани осаман, дегани бўлса керак. Осгани эмасми шу. (7-бетда)

ҚИСҚАСИ, МАКТАБЛАР ЎЛАЯПТИ...

Ўттиз йилдан ортиқ ишлабман, кейинги беш йилдан ҳам расворок йилни билмадим. Яна беш йилдан кейин нима бўлади, қайси тошга бориб уриламиз, қайси чуқурга қулаймиз, уни ҳам билмадим. (8-бетда)

АЛИШЕР ЭРГАШЕВ ВА ШОХРУҲ СОБИРОВ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Улар Гулнора Каримованинг жаллодларига ўзларининг Швейцариядаги эътирофлари ҳақида «рапорт» беришга мажбурлар. Уларнинг тақдирини ҳам мана шу «рапортлар» белгилайди. (9-бетда)

АЛИШЕРНИНГ ЎЛИМИДАН 5 ЙИЛ ЎТДИ, ҚОТИЛ ҲАНУЗ УШЛАНМАДИ...

2007 йил 24 октябрь. Ўшдаги офиси яқинида 26 ёшли ўзбек журналисти Алишер Соипов отиб кетилди.

солдим. Аммо очик гаплашмади. Хараكتери шундай эди уни. Гапиришни хоҳласа ҳеч бир нарсани яширмай айтар, истамаса бирор гапни суғириб ҳам ололмасдим. Аслида унинг асабий ҳолда биринчи марта кўраётганим йўқ эди. Бироқ бу сафар кўнглим жиддий муаммо чиққанини сезгандек эди.

Мен яна факультетга қайтдим. Ишдан сўнг эса аёлим билан бозор ўчар қилдик. Газета офисининг ёнидан ўтаётганимизда соат кечки олти бўлган эди. Унинг хонасида чирок ёниқ эди. Мен унга учраб кетмоқчи бўлдим, аммо аёлим сумкаларни уйга қўйгач қайтарсиз деди. Менинг ижарага олган уйим офисдан унчалик узоқ эмасди.

Уйимиз олдида эса бизни қишлоқдан келган бир қариндошим кутиб турарди. Бирор соат ўтиб ўтмай уни кузатиб қайтдим. Тўртинчи қаватга кўтарилиб улгурмай хотиним кўл телефонимга тинмай кўнғироқ бўлаётганини айтди.

- Алло
- Давронбек мен бир гап эшитдим... Шу ростми...
- Нима гап... тинчликми?
- Алишерни отиб кетишибди....
- Йўўўқ... мен боя кўрдим ишхонасининг свети ёниқ эди...

.....
- Мен ҳозир ишхонага телефон қиламан....

- Тахририятнинг "домашний" телефонига қайта қайта кўнғироқ қилдим. Бироқ ҳеч трубкани ҳеч ким кўтармади.

- Бу орада кўл телефонимга яна бир кўнғироқ келди.

- Алло...
- Эшитдингизми....
- Бу қаердан чиққан гап ўзи?

Ростми?

- Рост. Бир милиция ходими хабар берди...

Авзойимни кўрган хотиним кўркувдан титрай бошлади. Мен эса ўлмабди, ўлмабди, касалхонада экан, деб уни хотиржам қилмоқчи бўлдим. Балки ўшанда кўпроқ ўзимни алдамоқчи бўлгандирман....

Ўшанда соат еттидан тахминан беш дақиқа ўтган. Уш шахрини шом қоронғуси эгаллаган эди...

Ҳар доимгидек, биноидек бошланган кун мана шундай, ҳеч кутилмаган айрилиқ билан тугади.... Менинг дўстим, журналист Алишер Соипов ёлланма қотилларнинг уч ўқидан халок бўлди....

Энди унинг менга қилган яхшиликларини қайтариш учун кўлимдан биргина нарсга келади. Уни яхши хислатлар билан ёд этиш ва унинг ҳақига дуо қилиш!

Дўстим, Аллоҳ бизларни ўз жаннатида йўлиқтирсин!

Даврон Хотам
2012 йил 24 октябрь

Ушбу мақолада биз Андижонлик таниқли имом Абдували Қори Мирзаевнинг сирли йўқолишининг тафсилотларини ёритишга қарор қилдик. Яқинлари ва танишлари у кишини охириги марта 1995 йил 29 августда Тошкент аэропортида кўрган эдилар. Айнан у кишининг “дом-дараксиз йўқолиши”дан кейин, илгари мўътадил Исломни тутиб келган унинг кўплаб издошлари ва тарафдорлари, Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан радикал муносабатга ўтган ва ўз устозлари қасосини олишга қарор қилганлар. Ва устоз учун қасос интилиши Каримов режимида жуда қўл келди – бу интилишдан Каримов Ўзбекистоннинг диндор аҳолисига қарши фойдаланди. Айтишимиз мумкинки, Қори аканинг таъқиб этилиши мамлакат тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди...



АБДУВАЛИ ҚОРИ ҚАНДАЙ ЎЛДИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

Усмон Ҳақназаров

АБДУВАЛИ МИРЗАЕВ 80-ЙИЛЛАРНИНГ ОХИРИ ВА 90-ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДА

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида Абдували Мирзаев нафақат Андижон вилоятида, балки Фарғона водийсининг бошқа вилоятларида ҳам катта обрўга эга эди. Инсонлар ўзларини кизиқтирган масалалар, шу жумладан ҳаётнинг мураккаб муаммоларига жавоб топиш учун унинг жума хутбаларини тинглашга интилишарди. 90-йилларнинг бошига келиб А. Мирзаевнинг обрўси расмий Тошкентни безовта қиладиган даражага эришди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, МХХ Андижон вилоят бўлими Абдували Мирзаев жума хутбаларида фуқароларнинг сиёсий моҳиятдаги саволларига жавоб бера бошлагани ҳақида Хавфсизлик Хизматининг марказига шошилинч маълумотларни юбора бошлади.

Кейинчалик А. Мирзаевнинг аудио тасмаларга ёзиб олинган хутбалари нафақат Фарғона вилояти, балки Тошкент, Ўш, Жалолобод, Чимкент, Хўжанд, Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг шаҳарларида кенг ёйила бошлади. Расмий Тошкент ҳокимияти дўппи тор келганда ўзи ҳам ёрдам сўраб борадиган бу андижонлик имомнинг тобора ортиб бораётган обрўсидан жиддий хавотирга тушди. Масалан, Наманган воқеаларида маҳаллий ҳокимият ва миршабларнинг зулмидан ғалаёнга келган оломон қаршисида чиққан барча тўсиқларни ер билан яксон

қилар экан, И.Каримов ички Ишлар вазирлиги ва МХХ раҳбарияти орқали шахсан Абдували Мирзаевга мурожаат қилиб, ғалаёнга қалқиган оммани тинчлантиришни сўраганди.

Ҳукуматнинг тинчлик ва барқарорликни сақлаш ниятини тўғрилиқ билан изоҳлаган имом халқ оммасига мурожаат қилиб, Ислом дини ўзгалар мулкига тажовуз қилишни ва кўчаларда тартибсизлик қилишни таъқиқлашини айтди. Вилоят ҳокимини ҳам, кучишлатар тизимларнинг бошлиқларини ҳам, ҳатто Президентни ҳам тинглашни истамаган халқ оммаси А. Мирзаевнинг бу мурожаатига дарҳол ва сўзсиз итоат этганди ўшанда.

Фақат И.Каримовни Наманганда халқнинг тошбўронидан Абдували Мирзаев қутқариб қолишига қарамай, имомнинг халқ ичида ўзидан обрўлироқ эканини Президент асло кечира олмади. Халқ давлат раҳбарининг пуч ваъдаларига эмас, қандаги бир мулланинг ваъзасига бош эгиши Каримовга тинчлик бермасди. Айнан ўша кунларда Каримов халққа бериладиган курук ваъдаларнинг бир кун келиб жамиятда ижтимоий танглик ва аянчли оқибатларга олиб келишини англаб етганди. Шунингдек, Ўзбекистон президенти А.Мирзаев каби халқ ичида обрўли кишиларнинг, агар истаса, халқни ҳокимиятга қарши чорлаши мумкинлигини ҳам ҳулоса қилганди.

Кейинги йилларда ҳам ўзининг ваҳший худбинлиги ва макруҳийлага асосланган қасоскорлиги билан машҳур И.Каримов Абду-

вали Мирзаевнинг халқ орасидаги обрўсини асло унута олмади. Шунингдек, натижада И.Каримов Ўзбекистон МХХсига исломий масалалардан бохабар ва мусулмонлар билан алоқа қилишни яхши биладиган тажрибали чекистни раҳбар қилиб тайинлаш фикрига келади. Шу тарзда 90-йилларнинг ўрталарида Афғонистон бўйича мутахассис, форс ва араб тилларини биладиган, афғон мужоҳидлари орасида улкан разведка тажрибасига эга бўлган Р.Иноятовни Каримовга тавсия қилишади.

Маълумки Р.Иноятов 27 июнь 1995 йилда Ўзбекистон МХХсига раис сифатида тайинланган. Янги лавозимдаги илк кунларида у воқеалар ва инсонлар ҳақидаги оператив маълумотларни Президентга етказиш билан чекланарди. Ўша пайтда совет разведка мактабида тарбия топган Рустам Расулович Президентнинг шахсиятини, характерини, у яхши ёки ёмон кўрадиган хусусиятларни ўрганиш билан машғул эди.

Р.Иноятов Президент яхши кўрадиган ёки унинг жаҳлини чиқарадиган хусусиятларни аниқ ўргангандан кейин, махсус хизматнинг янги бошлиғи сифатида давлат раҳбарига ёқадиган ва уни мамнун қиладиган таклифлар билан тез-тез Президент хузурига қиладиган бўлди. Шу тарзда 1995 йил август ойининг бошларида Р.Иноятов Абдували Мирзаевнинг номини эшитиши билан жаҳли чиқадиган И.Каримовга андижонлик имом ҳақида турли маълумотлар бера бошлади. Гоҳида у андижонлик чекистларнинг А.Мирзаев масжидида жума кунлари тартибсизлик чиқара олишмагани, бошқа куни эса бу имомнинг агар дин давлат ишларига аралашмайдиган бўлса,

АБДУВАЛИ ҚОРИ ҚАНДАЙ ЎЛДИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

давлатнинг ҳам диний ишларга аралашмаслиги кераклигини айтгани ҳақида Президентга маълумот берарди. Хуллас, Президентга ёкиш учун МХХ раиси унинг столини андижонлик имом ҳақидаги салбий маълумотлар билан тўлдириб ташлайди.

1995 йилнинг 27 август куни, яъни ўзининг МХХ раиси лавозимга тайинланганидан роппа-ро са икки ой ўтиб, Р.Иноятов шахсан Президентга А.Мирзаевнинг Тошкент аэропортидан Москвага учиш вақтини, куни ва рейс номерини доклад қилади. Докладнинг сўнгида Ўзбекистоннинг бош чекисти И.Каримовга А.Мирзаев муаммосидан тўла-тўқис кутулиш таклифини ҳам айтади. “Агар истасангиз, биз Абдували Мирзаевни ном-нишонсиз йўқотиб юборимиз мумкин”, дейди Р.Иноятов президент И.Каримовга. Каримов Иноятовнинг бу таклифига розилик беради.

Шу тарзда 29 август куни Абдували Мирзаев Тошкент аэропортида учиш учун қайддан (регистрация), божхона назорати ва махсус текширувдан ўтгандан кейин, МХХ ходимлари тарафидан ўғирланади. Имом зудлик билан МХХ Марказий биносининг подвалига (текширув изоляторига) келтирилади. Аввал у Ўзбекистоннинг собиқ муфтийси Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфга, Обидхон қори Назаровга ва бошқа таниқли диний уламоларга қарши “компромат” (айбловчи) материаллар бериш учун қийноққа солинади.

Аммо ўзбек чекистларининг (яъни МХХ жаллодларининг) имомдан таниқли уламоларга қарши “компромат” олиш режалари муваффақиятсиз тугагач, МХХ СИЗОсининг “тазйиқчилар”и (бу гумонланган ва иши терговда бўлганларни қийноққа соладиганлар оператив ходимларнинг лақабидир) А. Мирзаевдан Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Обидхон қори Назаров ва бошқа таниқли диний уламоларнинг Жума Намагоний ва Тоҳир Йўлдош билан яқин алоқада бўлганликлари ҳақида ёзма кўрсатма беришларини талаб қиладилар.

Аммо Абдували Мирзаев бу

талабга ҳам қатъиян рад жавобини беради. Шундан кейин “тазйиқчилар” андижонлик имомни яна-да ваҳший ва инсон шахсини ерга урувчи қийноқ усуллари билан қийнайдилар. Бу ваҳшиёна қийноқлар вақтида А. Мирзаев жаллодларни ўзининг Ўзбекистонда ҳеч қачон исломий давлат тузиш режаси бўлмагани ва бундай мақсадга эришишни истаган ҳаракатлар билан алоқаси бўлмаганлигига ишонтиришга уринади. Аммо бунинг фойдаси бўлмайди: Рустам Иноятовнинг ўзлари истаган иқдорларни осонгина қўлга киритишга ўрганган жаллодлари А. Мирзаевнинг бу сўзларидан янада ваҳшийлашади...

1995 йилнинг 30 августидан бир неча соат давом этган қийноқлар натижасида Абдували Мирзаев кўплаб тан жароҳати олади, унинг суяклари уриб синдирилади ва натижада бу жароҳатлардан хушга келмай вафот этади. “Тазйиқчилар” Р. Иноятовга “тилнинг” (МХХ идорасида гумон ва тергов остидагиларни шундай аташади) овози доимий тарзда ўчирилганини айтишганда, МХХ Раиси ўз ходимларига зудлик билан бу “тил”ни кўмиш ҳақида махсус буйруқ беради. Бу ишни Абдували Мирзаев жасадини 1995 йилнинг 30 август кечаси саноат моддалари учун ишлатиладиган целлофон халтага жойлаган “Ц” бўлими (МХХ махсус бўлими) ходимлари бажаради ва жасадни Тошкент шахри худудидан ташқарига, пойтахт вилоятининг Янгийўл тумани томонига олиб кетадилар...

Воқеанинг кейинги куни, яъни 1995 йилнинг 31 августидан МХХ Раиси Р.Иноятов, ўз вазифасига тайинлаганидан икки ой ўтиб, президент Каримов ҳузурига Абдували Мирзаевнинг умрбод йўқ қилингани ҳақидаги ўзининг биринчи хушхабарини келтиради. Шу тарзда Рустам Расулович 1995 йилнинг 31 август оқшоми Тошкентдаги Мустақиллик майдонида ҳукумат вакиллари тарафидан нишонланган мустақиллик байрамида Президент кайфиятини кўтарадиган ва Каримов учун ўзига хос ва ўзига мос “совға” тақдим этади. Бу айни пайтда Р.Иноятовнинг И.Каримов

ишончига кириши ва президент назарида обрўга эга бўлиши учун қилган дастлабки “хизмати” ҳам эди.

Биз А. Мирзаевни ваҳшийларча қийноққа солганлар ва жасадини Тошкентдан ташқарига олиб чиққан МХХ ходимларининг исмларини номма-ном биламиз. Шунингдек, 29-30 август кунлари бу ваҳшатни МХХ ертўласида амалга оширган раҳбар кадрларни ҳам аниқ биламиз. Аммо бу икки оёқли ҳайвонларнинг, МХХ уларни ҳам изсиз йўқ қилиб юбормаслиги ва жиноятни яна диний фаолларга тўнкамаслиги учун, уларнинг номларини бу ерда келтирмаймиз. Агарда Р.Иноятов бу ишни амалга оширса-да, унинг ўзи бу жиноят учун масъул бўлиб қолаверади. Фикримизга кўра, вақти келганда, Р.Иноятов ва унинг идорасидаги “тазйиқчилар” Ўзбекистон халқига А.Мирзаев ва бошқа дин аҳлларини қандай қийноққа солганларини ва ўлдирганларини барча тафсилотлари билан сўзлаб берадилар.

И.Каримовга (Абдували Мирзаевни ўлдириш орқали) ўзига хос ва ўзига мос “совға” тақдим этган Ўзбекистон махсус хизматининг раиси Р.Иноятов халқ ичида машхур бўлган бу имомнинг ўлими Ўзбекистон давлати тақдирини, диндорларни ва муҳолифат вакиллари оммавий қирғин қилиш каби тарихий воқеаларга буриб юборишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Р.Иноятов бу жиноятнинг унинг ўзини ва мамлакатнинг куч ишлатар тизимларини кенг миқёсдаги ва оммавий қон тўкишлар гирдобига тортиб кетишини ўйламаган бўлса ҳам керак. Шундай қилиб...

ЯНА 1999 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ ҲАҚИДА

Абдували Мирзаевнинг яқинлари ва издошлари уламанинг тириклиги ва бир кун келиб топилиши ва уйига қайтишидан узоқ муддат умидвор бўлиб яшашди.

Бироқ 1997 йилнинг сентябрь ойида, яъни имомнинг дом-дараксиз йўқолганидан икки йил ўтиб, унинг издошлари ўзларининг республика МХХ аппаратидаги манбаларидан бирдан (МХХ нинг халқпарвар ва ҳалол раҳбарларидан бири, у кишининг исмини бу ерда келтирмаймиз) олинган МХХ ва президентнинг ташаббуси билан А.Мирзаев МХХ

АБДУВАЛИ ҚОРИ ҚАНДАЙ ЎЛДИРИЛГАНИ ҲАҚИДА



Зайниддин Асқаров

“ертўласида” ўлдирилиб, кейин Тошкент шаҳридан ташқарида кўмиб юборилгани хабар уларни нафақат шок ва умидсиз холга солди, балки улардаги нафрат, ҳамда ноҳақ ўлдирилган устозлари учун интиқом олиш ҳисини алангалантирди.

Бу қасосни амалга ошириш мақсадида эса, илгари тинч ва осуда ҳаёт кечирган баъзи ёшлар ҳарбий ва террористик тайёргарлик билан шуғуллана бошлади. Улар тўғри Чеченистондаги таниқли мужоҳидлар амири Ҳаттоб томонидан бошқариладиган жангариларни тайёрлаш лагерига кетишди ва бир йилдан ортиқ вақт давомида ўша лагерда бўлиб, нафақат ўқотар куруллардан фойдаланиш сирларини, балки портловчи моддалар тайёрлашнинг замонавий усулларини ҳам ўрганиб қайтишди.

Бу воқеалик расмий Каримов ҳукумати ўзининг диндорлар ва сиёсий муҳолифларига нисбатан олиб бораётган нодемократик ва қаттол сиёсати билан қандай қилиб уларнинг радикал, қуроли кураш йўлларига ўтиб кетишига сабаб бўлаётганига яққол мисол бўла олади. Ўзбекистонга улар 1998 йилнинг ноябрь ойида қайтиб келиши ва ўзларининг “муқаддас” орзулари — Ислом Каримовдан қасос олиш мақсадини амалга оширишга тайёргарлик кўра бошладилар. Гуруҳнинг бу ҳаракатларини Ҳаттобнинг жангарилар тайёрлаш лагерига бўлиб қайтган Муродулло Қозиев бошқариб борди. Суиқасдга тайёргарлик бораркан, гуруҳ томонидан Тошкент шаҳри марказида бир неча квартиралар ижарага олинди, ишлатилган автоуловлар ва ҳоказолар сотиб олинди.

Оператив ҳолат ҳақидаги маълумотларни бу гуруҳга тошкентлик,

Вазирлар Маҳкамасида хизматчиларидан бири Улуғбек Бобожонов етказиб турди. Тайёргарлик режадагидек жуда яхши даражада борарди, фақат Муродулло Қозиевнинг гуруҳига боғлиқ бўлмаган кутилмаган бир ҳолат юз бермагунигача. Шундай қилиб...

ТУРКМАНИСТОН ЧЕГАРАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН БАҲРОМ АБДУЛЛАЕВНИНГ УШЛАНИШИ

1998 йил Туркменистон чегарачилари сохта Қирғизистон паспорти билан Туркменистонга кирган Ўзбекистон фуқароси Баҳром Абдуллаевни тасодифан қўлга олишди. Баҳром Абдуллаев тезлик билан Ўзбекистонга экстрация қилинади ва МХХ тергов изоляторига жойлаштирилади.

Баҳром Абдуллаев Жамоат Хавфсизлигини сақлаш ва Бирлашган жиноий гуруҳларга қарши кураш бошқармасига, ТҚҚБ (Терроризмга қарши кураш бўлими)га тушгач, калтакланган ва у билан “камерада ишлаш” амалиёти олиб борилди. Камерага унинг ёнига сохта жиноятчилар киритилади. Ва бу кутилмаганда жуда яхши натижа бера бошлайди.

Кейинги куни Баҳром Абдуллаевдан олинган маълумотларни текшириш учун “Бошқарма”да учрашув ўтказилади. Баҳром Абдуллаев ўзини ЎИХ вакили эканини эътироф этади ва Туркменистонга Афғонистон орқали келганини ва Муродилла Қозиев гуруҳи томонидан И.Каримовга бўлаётган суиқасдни тўхтатиш учун ЎИХ раиси Тоҳир Йўлдош буйруғи билан Тошкентга бораётганини айтади. Ва бу қон тўкилишини тўхтатишни илтимос қилади ва бу ишга ўзи ҳам ёрдам беришга таёрлигини билдиради.

Бу янгилик тезда МХХ раиси Р.Иноятовга етказилади.

У ўз навбағида Баҳром Абдуллаев устида яхшилаб “иш олиб бориш”ни буюради.

Кейинроқ терактнинг аниқ муддати (1999 йил 16 феврал) ва тафсилотлари (масалан, И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси билан учрашуви) маълум бўлди. Ўша пайтда пойтахт фуқароларининг қони тўкилишини олдини олиш ва таёр-

ланаётган терактни тўхтатиш учун Р.Иноятов тасарруфида бир ярим ой муҳлат бор эди. У А.Қаҳҳор кўчасидаги хонадонда яшаётган М.Қозиев гуруҳини қамокқа олиши мумкин эди.

Бунинг ўрнига у ўша гуруҳ ичига ўз одамни киритишга ва улардан бири билан алоқага ўтиш ҳамда воқеалар ривожини кузатишга қарор қилади.

Бундан ташқари, Исроилдан норасмий таклиф билан публицист Олег Якубов чақирилади. Унинг вазифаси “Феврал воқеасини” воқеа жойидан туриб ёритиш эди.

Р.Иноятов ва И.Каримов, теракт ҳақида аввалдан маълумотга эга бўла туриб, ундан диний ва сиёсий муҳолифат фаолларини қатагон қилиш учун фойдаланишга қарор қилишганди.

Яна бир қизиқарли факт. 1999 йил 15 февраль куни Р.Иноятов ўз ишончли хизматкорларига ва ўз ёрдамчисига 16 февраль куни то пешингача Тошкентнинг Марказий Майдони, Бодомзор, (Миллий Банк биноси жойлашган) ва Яккасарой районида келмасликларини айтиб, ўз яқинларини огоҳлантиришни топширади.

Шу билан бирга Р.Иноятов агар суиқасд М.Қозиев гуруҳи режасига мувофиқ амалга ошса, воқеаларнинг форс-мажор шаклда ривожланиши, яъни, воқеаларни ўз манфаатига мос ишлатиш учун (И.Каримов ва И.Жўрабековдан ва бошқа Самарқанд гуруҳи вакиллари билан қутулиш учун) кўшимча, заҳира вариантини ҳам тайёрлаб қўяди. Лекин, воқеалар форс-мажорсиз Иноятов кентораси назоратида ўтди.

Р.Иноятов одамлари портловчи моддалар билан тўлдирилган ГАЗ-21 автомашинасини Президент кортежи келишидан бир неча дақиқа олдин Вазирлар Маҳкамаси биноси олдиғача ҳайдаб келишига йўл очиб берадилар. Р.Иноятовнинг қатъий кўрсатмаси бўйича ишлаган «чекистлар» террористларни автомобилни қўйиб кетишигагина эмас, балки, Мустақиллик Майдонидан қочиб кетишига ҳам қўйиб берадилар.

Қочиб кетаётган улар, Баҳор кинотеатри олдида қаршиларидан тасодифан чиқиб қолган иккита қизни ҳам отиб кетишади.

Кутилганидай, кўплаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлдилар. Ўша

АБДУВАЛИ ҚОРИ ҚАНДАЙ ЎЛДИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

куннинг даҳшатли хотирасини, Миллий Банк олдидаги ўнлаб курбонларни унутишнинг ҳеч иложи йўқ.

Кучли портлаш оқибатида юз метрлик радиусга инсоннинг куйиб кетган ички ва ташқи аъзолари сочиб ташланганди. Оғир яраланган баъзи ярадорлар кучли оғриқдан додлашар ва атрофдагилардан тезроқ ўлдиришни сўраб, оғриқлардан қутулишни исташарди.

Енгил эсган шамол атрофга қон ва одам гўшти хидларини таратарди. Баъзи ярадорларнинг қўли, бошқаларининг оёғи йўқ эди. Биттасини боши-ю, қўл-оёғи ҳам йўқ эди. Моргда нотаниш жасад сифатида узок қолиб кетди ўша жасад.

Иноятлов ва Каримовларнинг кейинги ҳаракатлари, уларнинг 16 февраль воқеасидан ўзбек халқига нисбатан қақшатқич қатағон ва мислсиз жиноятлар амалга ошириш учун асосий баҳона, ўзига хос “маънавий ҳуқуқ” чиқариб олганлигини кўрсатди.

Шуниингдек, 16 февраль кечкурун, хали айбдорларнинг кимлигини аниқлашга на вақт ва на имкон бўлмади туриб, Р.Иноятлов МХХнинг барча вилоят ва район бўлимларига қуйидаги ТВ “Тезкор Вазият” хабарини (МХХнинг ўзига хос телефонограммасини) тарқатди:

“Бугун 16 февраль куни, Тошкентда бир қанча террористик амалиётлар содир этилди. Кўплаб курбонлар бор. Террорчиларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентига суиқасд қилишлик бўлган. Маълум бўлишича, террористик амалиётларнинг ташкилотчилари Ж.Намангоний ва Т.Йўлдош ва муҳолифатдаги “Эрк” партияси лидери Мухаммад Солиҳлардир. Айтилганларни ҳисобга олиб, жойлардаги ИИБ ходимлари билан келишилган ҳолда, зудлик билан турли оқимдаги мусулмон уламолари ва фаолларини, “Эрк” партияси тарафдорларини қўлга олишларингиз ва тергов давомида мана шу террористик амалиётдан хабардорлиги ва ва алоқадорлигини

аниқлашингизни сўрайман. Бажарилган ишлар ҳақида ҳар куни соат 12 00 ва 18 00 да Жамоат Хавфсизлиги Бошқармаси ва МХХни хабардор қилиб турилсин”.

16 февраль тушдан кейин Р.Иноятлов Президентга суиқасд уюштириш ва бошқа тўртта портлашни уюштирган ташкилотчиларни аниқлаш бўйича дастлабки тергов натижалари (Аввалдан ўзи таёрлаб ёздириб қўйган телефонограмма) билан И. Каримовни таништирди.

Эртаси куни Р.Иноятлов бу терактдан ҳукуматнинг хабари борлигини билган барча гувоҳларни йўқ қилишга ўтди.

И.Каримов ва Р.Иноятлов ҳукмига биноан, барча гувоҳларга ўлим жазоси белгиланди.

Февраль воқеаси бўйича жами 22 киши жазога тортилди. Улардан 6 киши (гувоҳлар)га ўлим жазоси берилди.

Аснода шу ишга алоқадорликда судланиб ўлим жазоси берилганлардан биринчи бўлиб Баҳром Абдуллаев отиб ўлдирилди. Аслида айнан Баҳром Абдуллаев ушбу терактни фош қилган ва терактда мутлақо қатнашмаганди. (1999 йил январидан мартгача у МХХ изоляторда ўтирган)

Мантисизлик! Қандай қилиб МХХ ертўласида ўтирган одам теракт содир қилаолади?! Лекин бу биз учун мантисизлик бўлмаслиги керак. Баҳром Абдуллаев портлашларга алоқадорлиги учун эмас, балки, Ҳукуматнинг бу терактдан олдинроқ хабардорлигини биладиган гувоҳлардан бири бўлгани учун ўлдирилганди.

Кейинроқ бу воқеаларни чет эл журналистларига сўзлаб бергани учун Р.Иноятлов буйруғи билан Заъиддин Аскарлов ҳам ўлдирилди.

Журналистларни Аскарлов билан ёлғиз қолдирган МХХ ходими жазоланиб, ишга лаёқатсизлиги учун МХХдан ҳайдалди.

16 февраль воқеасидан сўнг Президентни ишончига тўлиқ кирган Р.Иноятлов ўша пайтдаги кадрлар бўйича давлат маслаҳатчиси Темур Алимов билан бирга Давлат раҳбари атрофидаги кадрларни алмаштира бошлади.

Тошкент гуруҳи учун янги, олтин давр бошланди. Барча муҳим вазифаларни бирин-кетин МХХдан чиққан ёки Тошкент гуруҳига мансуб кимсалар эгаллай бошлади. Бу ҳозиргача давом этиб келмоқда.

ХУЛОСА ЎРНИДА

1995 йили 30 августда МХХ ертўласида Андижонлик имом Абдували Мирзаевнинг ўлдирилиши, 1999 йил 16 февраль хунрезликлари ва оммавий қатағонлар МХХ раиси генерал-полковник Р.Иноятлов ва президент И.Каримовнинг ўзбек халқига нисбатан содир этган қонли жиноятларидир. Умид қиламизки, вақти келади, нафақат И.Каримов ва Р. Иноятлов, балки бу даҳшатли жиноятларнинг бошқа, майда ижрочилари ҳам Ўзбекистон халқ олдида жавоб беради.

Бу икки воқеа яна шуниси билан ибратлики, Каримовга энг оғир пайтларида, унинг ҳукуматини мустаҳкамлаш учун асло ёрдам бериш керак эмас. Бу воқеалар шуни кўрсатадики, И.Каримов ўзбек халқи ичида обрўли ва машҳур одамларни ёмон кўради.

Президент уларни ўз ҳокимияти учун таҳлика деб билади.

Ушбу воқеалар яна шуни кўрсатадики, И.Каримов режимига муҳолиф кишилар, И.Каримов, Р.Иноятлов, З.Алматов ва шу каби Ўзбекистондаги ғайриинсоний режимнинг бошқа югурдақларининг ҳеч бир сўзига ва ваъдасига ишонмаслик лозим.

Бунга тоза ниятли, қон тўкилишининг олдини олишни ният қилган ва Каримов режимига чин дилдан тўғри кўрсатмалар берган, сиёсий тажрибасиз, ишонувчан соф қалбли, диний фаолларнинг, Каримов режимига қарши бўлган Баҳром Абдуллаевнинг тақдири ёрқин мисол бўла олади.

Бу Каримов режимига қарши курашаётган ва унинг яқка ҳокимлигини ағдаришни мақсад қилган барча муҳолифатчиларга ибрат бўлиши керак.

Улар Каримов режимига қарши хизматкорлари, ишонувчанликни ва тўғри сўзлик каби хатоларни кечирдишмайди. Ҳар қандай эзгу мақсадлар учун бўлмасин, ҳатто Ўзбекистонда тинчликни сақлаш учун бўлса ҳам Ислоҳ Каримов диктатурасига ҳеч қачон ёрдам бермаслик керак!

ҚАЧОНГАЧА ЗУЛМ ВА ЎЛИМ ҲУКМРОН?

Ватанимизда инсон қадрсизлиги, хўрликка маҳкумлиқ, сўз бошқа-ю, иш бошқа, матбуот бошқа-ю, ҳаёт бошқалиги, натижасиз даво ва гулдек қизимдан айрилиб чеккан қайғуларим ичимни кемириб еди. Бошимга тушганларни душманамга ҳам раво кўрмайман.

Илгарироқ, қайси сонидан эканлиги эсимда йўқ, “Даракчи” газетасида Республика онкология касалхонаси қайсидир бўлими бошлиғининг “Бизларда ҳамма хизмат бепул”, деган гапларини беришди. Телевизорлар-ку, мақтанишдан бўшамайди. Бу ёлғонлар ва касалхонада ётиб, ўз кўзим билан кўрганларим мени ушбу мақолани ёзишга мажбур қилди. Фойдаси бўлмаслигини билиб турсам ҳам кўлимга қалам олдим.

Онкология касалхонасининг кровати билан овқати (отини овқат дейиш мумкин бўлса) бепул, холос. Докторларнинг бир оғиз ҳол сўрашидан тортиб, укол-дори, ҳатто шприц билан арзимаган бинт ва уколда ишлатиладиган бир чимдим пахтаси ҳам пул.

Қизимга олинган тўртта химиянинг ҳар бирига етти юз сўмдан тортиб, бир миллион икки юз минггача пул тўладиқ. Иликлар учун ҳар ойда бир марта олинадиган, тўрт грамм турадиган “Зомета” деган дорининг ҳар бирини саккиз юз эллик мингдан тортиб, бир миллион бир юз минг сўмгача олишга мажбур бўлдик. Дорини керак пайтида ҳеч қаёқдан топа олмай, зору сарсон бўлганларимизни айтмай қўя қолай. Дорихоналар ҳам кундан-кунга кадрларини ошириб, нўхатдек дорини бир миллион саккиз юз мингга ҳам чиқаришди. “Отанг яхши, онанг яхши”, – деб зўрға бир миллиону юз мингга олганмиз ўшанда.

Фарзандингга кетган пулларни ҳисоб-китоб қилиб ўтириш, дили вайрон онаизорнинг иши эмас. Агар тирик қолиши учун жоним керак бўлса, жонимни ҳам аямасдим. Бечора қизимнинг бор танаси илма-тешиқ бўлганига куйиб кетяпман.

Ҳар бир муолажадан сўнг тўрт кунгача тинмай кусяган қизимга “химия”сининг, ҳар ойда олган бир миллионлик “Зомета”сининг тирноқдек ҳам фойдаси бўлмади. Беморнинг ташхисини аниқ билган дўхтирлар унга нима фойда-ю, ниманинг нафъи тегмаслигини нима учун олдиндан билишмайди? Кераксиз нарсалар учун, бир тийинга қиммат тавсиялари билан нега

беморни бадтар қийнашади?

Республика онкология касалликлари шифохонаси бош врачининг химиявий муолажа ҳақидаги китобчасини ўқисангиз, астафидуллоҳ, соғ одам ҳам касал бўлгинг келадди. Шунақаям ёлғон-яшиқларга тўлаки...

Қизим икки марта шу касалхонада ётиб чиқди. Азоб тортиб ётган қизимга бирон марта оғриқ қолдирувчи укол қилишгани йўқ. Қийноқларга чидолмай тўлғанаётган қизимга :

–Дўхтир қақирайми, –десам:

–Опа, нима фойдаси бор, “касалингиздан-де”, –дейишдан нарига ўтишмайди улар, –деди инграиб.

1985 йилда отам шу касаллик билан оғриган эди. Унинг биронта муолажасига пул тўлаган эмасмиз. “Морфин” деган оғриқ қолдирувчи қимматбаҳо дорини ҳар ойда касалхонага ўзим бориб, дафтарларига имзо чекиб, бепул олиб келардим. Нега ҳозир ўша “бепул” деган нарса анқонинг уруғи бўлиб қолган.

Республика онкологиясининг “Бош-бўйин” бўлимида ётганимизда унинг дўхтирлари қизимга умуман эътибор беришгани йўқ. Беш кун ётгандан сўнг, “бизлар ўзи бу ерда нима учун ётибмиз, биронта одам “ҳолинг нима” деб сўрамаса”, деб дўхтирларга айтмасдан, касалхонадан чиқиб кетдик. Ишонасизми, на биронта дўхтир, на ҳамшира “қаёққа боряпсизлар”, демади. Қизим бечора нафси оч дўхтирларнинг муносабатидан жуда дили оғриган ўшанда.

Ҳозир мен бу гапларни кўзларимда шашқатор ёшлар билан ёзаяпман. Бизнинг жамиятда инсон кадрни шунчалик пасти? Барибир ўлади, деб инсонни шу қадар ерга уришадими, беморни сўнги нафасигача шилиб, талашадими?

Қизимнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмай қолганидан кейин, бизлар шаҳар онкология касалхонасининг ошқозон бўлимига ётиб, “стома” деган нарсасини қўйдиришга мажбур бўлдик. Ҳамма ёғи тешилиб, адоий тамом бўлган қизим, афсуски, йигирма кун яшади, холос.

“Таъмир ишлари бошланади”, деб икки ой овқат емай, мадорсизланиб қолган қизимга икки кунгина жонлантирувчи дорилардан қуйишди-да, шошиб-пишиб, операция қилишди. Биринчи операциядан кейин қон кетиб қолиб, эртасига яна қайта операция бўлди. Касалхонада бир ҳафта ётган бўлсак, мени

қийнаётган нарса –ўлим тўшагида ётган беморларга тирноқдек ҳам ёрдам ва мурувват кўрсатилмаганлиги. Уларнинг текин кроватига ким зор, бепул бериладиган ёвғонини ким ҳам оғзига олади, дейсиз.

Ҳар кунги муолажадан сўнг менга учта катта дафтарга имзо қўйдиришади. На бинт, на пахта, на шприц, арзимаган нарсаларни ҳам ўзларимизга олдириб, тагин нима учун бир эмас, икки эмас, учта дафтарга қўл қўйдиришади. Сизга у дафтарнинг юзини кўрсатишмайди ҳам. Фақат имзо чекадиган жойингизни бармоғи билан ушлаб туришади.

Бир куни қўл қўйдиришга келган ҳамширадан сўрадим:

–Ҳамма нарсани ўзларимиз олиб келаётган бўлсак, имзони нима учун қўйяпмиз, десам, “Мана “свой”, деб ёзиб қўйибди, шунинг учун қўйяпсиз”, деди. Мен тушунмай яна дедим: “Ҳамма нарсани ўзим олиб келдим, касалхонадан тирноқча ҳам ёрдам бўлмади”, деб ёзилганми, деб ўйлабман.

Менинг эшитишимча, медицина ходимларининг баъзи бирлари уколдориларни ортиги билан буюриб, кейин келишилган баҳода ўзининг таниш дорихонасига топшираркан. Раҳматлик қизим шу гапларни айтиб, роса куйиб-ёнди.

“Кўявер, болам, бундайларга ҳам бокқан бало бордир, харом лукманинг бир кун тешиб чиқиши бор, Худонинг ўзи вақти келиб, улар билан ҳисоб-китоб қилади”, –деб уни тинчланттирдиму, бироқ, ўзимнинг ичимдан қиринди ўтиб, дилим вайрон бўлди. Без бўлиб, операциянинг нархини юзингизга айта оладиган одамнинг бу ишни қилишга виждони қийналади, деб ўйлайсизми...

Касалхона ходимларининг айтишича, тез-тез тафтишчилар келиб, ҳар бир ишлатиб турилган нарсаларни ипидан-игнасиғача текширишар эмиш. Қайси ишлатилиб турилган нарсаларни текширишаркан, ишлатилиб турилган нарсанинг ўзи бўлмаса. Яна қайтараман, касалхона бемор учун уч тийин ҳам тўламади. Бир йил мобайнида ҳар ойига уч миллионлаб пулни сарфлаб, охир-оқибат қизим шу дўхтирларнинг кўлида жон берди. Пулни қизимнинг химиядан сўнг тинмай қусишлари учун тўладимми, болагинамнинг таналари тешилиб, адоий тамом бўлиши учун тўладимми... Қайси она бу аҳволни кўриб-билиб туриб, индамай қараб ўтиради.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Гулдек қизим тупрокнинг тагида ётганда, қайсидир гапларни айтилиши мумкин эмас, деб ҳадиксираб, қўл қовуштириб ўтираими.

Газеталарда чет эл хайрия ташкилотларидан катта миқдордаги ёрдам пуллари келаётганлигини, кўкрак саратонининг олдини олиш учун ҳар хил тадбирлар ўтиб ётганини ўқиймиз, эшитамиз, кўрамиз. Қани шу ёрдамлар, пуллар?

Республика онкология касалхонасида оғриқлардан азоб чекиб ётган қизимга на Республика, на шаҳар касалхонасида ҳеч бўлмаса, оғриқларини вақтинча қолдириш учун қарзга бўлса-да, дори-дармон беришгани йўқ. Дўхтирлар шунақа бешафқат бўлиб кетишгани, ўлими яқинлашиб қолган беморни ҳам бепул операция қилишмайди, “дод” деб бошингни деворларга урсанг ҳам, уларнинг бир туки тўкилмайди. Бундай “дод-вой”ларни кўравериби, уларнинг дийдалари котиб кетган. Биронтаси, “касалга қараш бу менинг вазифам, пулингизни қўйинг, етим қолаётган уч нафар боласига ишлатинг”, деган эмас. Ҳатто, уйга чакирилган дўхтир ҳам чўнтагига солган пулимни индамасдан олиб, эрига унинг санокли кунлари қолганини айтган. Пулларни даволаш учун эмас, қизимнинг ўлаётганини айтгани учун олдим, уятсиз, виждонсиз! Битта невропатолог дўхтирга кўра: “Врачлар ичида онкологлар энг ашаддий пулпарастлар экан”. Демак, ҳадеб текширишга келувчилар ҳам “нега кўпроқ олмаяписизлар”, деб азоб берса керак-да.

Гарчи медицинага алоқам бўлмаса ҳам, болам туфайли баъзи китобларни титкиладим. Ибн Сино: “Безга қўл теккизмаслик керак”, деган экан. Қизимнинг айтишича, унинг бези ниҳоятда чандир бўлиб, боламини бўкиртириб, безнинг бир қисмини кесиб олишган. Бир онколог-табиб китобида, “Биопсия олишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак”, деб ёзибди. Ўша “ниҳоятда” сўзининг маъносига бу жаллодлар тушунишармикан? Агар менинг қизимга нисбатан ўша айтилган эҳтиёткорлик бўлганида эди, балки қизим ҳозир ҳаёт бўлармиди...

Алам қиладигани, қачон шунчалик ёвузликка юз тутдик? Бир замонлардаги қўли гул, беминнат шифокорлар қаерда? Наҳотки инсон кўз кўринки ўлиб кетаверади? Ўлмай нима қилсин, инсон умри, қадри бир пулга қиммат жойда зулм, ўлим ҳукмрон бўлмай, бахт-саодат гурқирасинми?

Адолат Қурбонова

“ҲАММАНГИЗНИ БАҒРИМГА БОСАМАН...” (ВА ОСАМАН...)

Шошиб такси тўхтатдим. Ҳайдовчи бош-оёғимга кўз солиб, сиз ҳам пахтагами? – деди.

– Йўқ, нима эди?

– Ҳозир ҳамма ерда пахтанинг гапи. Мана бу киши ҳам ўрнига мардикор гаплашиб келаётган экан, – орқа ўриндикдаги йўловчига ишора қилди у. – Бу даҳо президентимизга раҳмат, Ўзбекистонни қулистонга айлантириб бўлди. Ўқувчилар қул, ўқитувчилар-у, дўхтирлар, санитаркалар-у, ҳамширалар, фаррош, кўча супурган, ўт юлган ҳаммаси пахтага чиққан. Қул бўлмаган ким қолди?

Пахтани қўлидан келган эксинда. Фермерга биров бориб, сан ҳамширалик қил, ўқитувчилик қил, демагандан кейин, улар ҳам қўлидан келса эксин пахтасини. Нима дедингиз?

– Шунча гапингиз бор экан, чиқмайсизми ДОДА(президент)нинг ҳузурига? – дедим мен. Ҳайдовчи, гап-сўзидан илмли одамга ўхшарди. Яна деди:

– Ўзингизни соддаликка олманг. У ерга қираман деганлар йиллаб ариза ёзиб, кўчасидан ҳам ўтишолмаган. Телевизорда кўрсатаверади, ҳаммангизни бағримга босаман, дейди. Босаман дегани осаман, дегани бўлса керак. Осгани эмасми шу. Ўзимдан мисол, аёлим ўттиз йиллик ҳамшира. Пахтага чиқасан, дейишибди. Чиққанида эртадан кечгача ўн кило пахта теролмайди. Умрида қилмаган иши. Бунинг устига Тошкент қайда-ю, Жиззах қайда? Ётар-турар, еяр-ичарнинг тайини йўқ. Ҳашарчи ўз ғамини ўзи ер экан. Бурунги совет замоналаридагидек уларга шийпонда биров овқат пишириб, чой қайнатиб ўтирмайди. Хуллас, хотин бир ойлигидан кечиби, ўрнига мардикор жўнатди. Бечора мардикорнинг ранг-рўйи бир ҳол экан, шунда ҳам иш топилганига хурсанд, кетди Жиззах қайдасан деб.

– Кўпга келган тўй-да, нима ҳам қила олардик, ўзбекнинг пешанаси.

– Ҳа, йил ўн икки ой ўйин, томоша, ўзбекнинг жазоси денг. Бир замонлар украинлар ҳам пахта экишган экан.

Тўғрироғи, Украинага сургун қилинган ўзбеклар экишган.

Ўзбеклар ватанга қайтгач, биз қул эмасмиз, суткада йигирма соат ишлайдиган, деб вақтида этакни йиғиштиришган. Пахтанинг эгаси ўзбек, дейишган. Содда ўзбек “пахтанинг эгаси эканмиз”, деб юз йилдан бери бири икки бўлмади, косаси оқармайди. Бугунга келиб эса ўзбекка илм-фан, ўқитувчи, дўхтир керак бўлмай қолди. Ўлса ўлаверсин-да, биттаси камайса ҳам ҳар на де. Ана, ўрисда, қозоқда кими ўлиб, кими касал ортириб келяпти. Биров сўрадим, одаммисан дедими? Сизга яна бир гап: бу хўжайинлар ақлини ишлатишмайди. Биргина мисол, шу пахта мавсумини олинг. Ҳозир мардикор, ҳашарчи йиғишга амалдор борки, жалб қилинган. Йиғилганларни автобусларда элтиб қўйиш учун ҳар ташкилотдан бир вакил хўжайин, милиция қоровул, шунча бензин, транспорт харажати, одамларнинг оворагарчилигини айтинг.

Бундан кўра шу сарф-харажатларни қишлоққа, фермерга берсин. Қишлоқ аҳли ҳар жойларда иш излаб тентираб юрмасдан, бола-чақаси билан ёпирилиб теради пахтасини. Яна қизигини эшитинг, у ердаги маҳаллий халқ терган пахтасини фермерга бермасдан шаҳарликларга нақд пулга сотишар экан. Ана сизга шаҳарликларнинг фойдаси. Терим-ку, эрта индин-тугар, совуқ ҳам эшиқ қоқиб турибди, шунда кўрасиз томошани. Ернинг ости-ю, устини тикка сотаётган бу юртда на газ, на свет, на ичимлик суви ҳал қилинган.

– Ока, ҳамма гапингиз тўғри. Шуларни мен газетага ёзсам, нима дейсиз?

– Баракалла, агар бирор газетангиз боса олса, ёзинг, мен рози.

– Ундай бўлса, танишайлик, исмингиз...

– Эй укам, исминини Худойберди, Худойурди, Худойкул, йўқ, яхшиси Ўзбеккул, деб ёзинг, тўғриси ҳам шу. Политехникскийни битирганман. Штатлар қисқариб ишсиз қолдим, Россияни кезиб келдим, охири, мана шу ғилдиракни ғилдиратиб турибмиз, ҳозирча. Бу ҳам ижарага, мухбир дўстим...

Абдуқодир КАРИМОВ

ҚИСҚАСИ, МАКТАБЛАР ЎЛАЯПТИ...

Тошкентнинг “Учтепа” туманига қарашли бир мактаб ўқитувчиси билан суҳбатлашиб қолдик:

– Кўп йиллардан бери ишлар экансиз, ишингиздан мамнунмисиз?

– Ҳа. Бир ҳафтадан бери чол-деворхонага айланиб бораётган синфимнинг ремонтга “спонсор” кидиряман, АКФА компанияси сахий эмиш, деб эшитдим. Қаёқда?.. Сахий бўлса, бой бўлар эканми? Сўраганга бераверса, бири икки бўлардими? Бойлардан иш чиқмагач, бу гапга энг майда бизнесмен, маҳалламиздаги пистачи кампир нима деркин, деган ўй келди калламга. Қизиқ учун сўрагандим, лекин мард экан, онахон. “Мактабингга бўлса, ол. Мана бугунги савдодан 10 минг сўм, Аллоҳ рози бўлсин сендан, болам!” деди.

– Ахир мактабларни ҳукумат ремонт қилмайдими? Ахборотларда фалон милён, миллиард сўмлар мактаблар ремонтга ажратилди, деб гапиришади-ку? – сўрадик устоздан.

– Осмондан тушганмисиз? Гапираверади-да. Билмайсизми? Ўзбекистон халқи дўзахда яшаса ҳам, телевизорлари жаннатга уланган.

– Ота-оналардан пул йиғар экансизлар. 30 та ота-она бир синфни ремонт қилолмайдами?

– Эй, синфимда тўксон фоиз бола камбағал, ўн фоизи ўрта ҳол, курби етган оилалар йилига мактаб ремонтни учун 16 минг сўмдан пул беришган. Саккизта бола кам таъминланган оилалардан, маҳалладан справкаси бор, бешта бола “ўлик жон”.

– “Ўлик жон” деганингиз нима-си?

– Ўлик жон – рўйхатда бор-у, мактабда йўқ болалар. Ўқимайди, на ота-онасига, на боласига керак эмас ўқиш.

– Гувоҳнома нима бўлади?

– Керак бўлса, улардан қутилганига шукр қилиб, ўқитувчининг ўзи обориб беради гувоҳномасини.

– Уларни текширадиган одам йўқми?

– Йўқ. Боланинг аҳволи ҳаммага маълум. У сут сотади, мол боқади, уйда укасига қарайди. Шунақа оилалар борки, каталакдек уйда беш жон, олти жон. Оч қоринга китоб емайди-ку. Ишлаш керак, бировларнинг хизматини қилиши керак. Иккинчидан, синфдаги 30 боланинг 70 фоизи

дарсни орқага тортувчи болалар. Уларга ўқиш керак эмас. Гапнинг қисқаси, Ўзбекистонда мактаблар ўляпти, тамом. Яна 3-5 йил шундай давом этса, бу халқ тамом бўлади. Менга қолса, мажбурий бошланғич таълимга ўтилиб, у ёғини пулли қилган минг маротаба яхши эмасми?

Ўқишни хоҳламайдиган, қобилиятсиз болалар учун химия, физикага сабр қилгандан кўра, кўчага чиқиб зовур қазигани осонроқ. Улар фақат дарсга халақит беришади. Ўқитувчи бу безориларни тинчлантиролмай ҳалак. Ҳайдаб юборолмасанг, қаттиқроқ гапиролмасанг.

Яхшиси, бир умр мактаб, таълим-тарбиянинг оёғига тушов бундай болаларга хат таниганининг ўзи кифоя. Бундайлар ҳунарлига шогирд тушсин, меҳнатга ўргансин.

– Маймунниям одам қилган меҳнат демокисиз-да.

– Балки. Менимча, бундай тарбиясизликнинг илдизи диний маърифатсизликдадир. Ундай деса-сангиз, динни ҳам ёмон отлиқ қилиб бўлишди. Дин деса-сангиз, ҳамма террорни тушунади, намоз ўқийгандан ҳам хавфлироқ одам қолмади, буёғини сўрасангиз. Жума кунлари ўқитувчилар масжид йўлагига пойлоқчилик қилишади. Эй, итдан бир кун, ўқитувчида бир кун ўтяпти-да. Юртимизда на мустақилликнинг, на ўқитувчи-зиё(н)лининг, на таълимнинг, на бола-чақанинг қадри қолди.

Ўттиз йилдан ортиқ ишлабман, кейинги беш йилдан ҳам расворок йилни билмадим. Яна беш йилдан кейин нима бўлади, қайси тошга бориб уриламиз, қайси чуқурга қулаймиз, уни ҳам билмадим. Лекин мактабнинг, таълим тармоғининг шўри қуриётгани ҳақиқат.

Унта одамдан биттаси – шу ўқитувчи опахон саволларимизга жавоб берар экан, “илтимос, менинг отимни ёзиб юрманг, шундоғам ҳар қадамда бир кулоқ”, деди. Ишдан бўшатиб юборишса, оиламиз катта, бу кунимиздан баттар бўламиз. Озроқ сабр қилиб турсам, пенсияга чиқиб кетарман, қутуларман. Ростини айтсам, ЎХХ ҳақида эшитиб роса хурсанд бўлдим. Илоҳим узоғига қувонтирсин, омадлари қулиб боқсин, деб умидли хайрлашди онахон-устоз.

Ҳуринисо МУХТОР,
Тошкент

МАКТАБ БОЛАЛАРИ ЯНА ПАХТАГА ОЛИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистонлик фаоллар хабар тарқатишларича, бу йил мамлакатда пахта йиғиш режаси бажарилгани эълон қилинганига қарамасдан, Қашқадарё вилояти далаларидан мактаб ўқувчилари ўқишга қайтарилмаганлар.

Бу ҳақида муҳолифатчи Малоҳат Эшонқулова, ҳамда норасмий Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари Алянсидан Елена Урлаева маълумот берган. Фаолларнинг кузатувларига милиция ходимлари халақит берган, ҳамда уларнинг фото ва видеоҳижозларини тортиб олишга уринган.

“Бугун Яккабоғ, Шаҳрисабз, Қамашуи туман далаларини кезаётганимизда бир нарсага гувоҳ бўлдик, йўл четидаги пахта далаларида асосан ёш болалар пахта термоқда. Биз қизиқиб, далага тушиб суҳбатлашдик, улар ўндан ортиқ болалар эди. Улардан бири, 5-синфда ўқийдиган қиз менга пахта бошланганидан бери мактабдан жавоб берилганини ва шундан бери пахта териб келишаётганларини айтди”, – дейди М.Эшонқулова.

Фаолга бошқа яна бир ўқувчи пахта теримига 20 сентябрдан бери чиқаётганлари, кун бўйи далада бўлишлари ва “обедга макарон” беришларини айтган.

Фаоллар олдига келган ва юзларини тўсиб олган ўқитувчи аёллар улардан ҳужжатларини талаб қилишган. Ўқитувчининг ўзи адабиётдан дарс беришини билдирган, лекин исм-шарифини очиқлашни истамаган.

“Ўқитувчи мендан “бу маълумотни нима қиласиз, чиқармоқчимисиз?” деб сўради. “Ҳа, чиқармоқчиман” десам, “Чиқаринг, бизнинг ҳам жонимизга тегиб кетди. Пахта териш ўқитувчининг вазифасими, тўйиб кетдик биз, ёзсангиз ёзаверинг, фақат бизга ва мактаб болаларимизга гап тегмаса, бўлди”, деди” – дейди Эшонқулова ВВС радиоси билан суҳбатда.

Жорий йил Ўзбекистон Бош Вазирини Шавкат Мирзиёевнинг мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этмаслик борасидаги қарори қабул қилиниши ордидан, бу йил ҳосил асосан коллеж ва университетлар ўқитувчилари, ҳамда шифокор ва имомлар доҳил барча катта ёшдагилар қўли билан териб олинаётгани хабар қилинганди.

Аммо, Эшонқулова ҳукумат қарори “кўзбўямачилик” эканини айтади.

Бу икки ўзбек йигити Ўзбекистон диктатори Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримованинг Швейцариядаги пул махинациялари иштирокчиси сифатида бу мамлакатда қўлга олинган. Бундан бир ҳафта аввал Алишер Эргашев ва Шохруҳ

осонгина фош қилиниши ҳам демакдир.

Айтишларича, айнан шу сабаб туфайли МХХ раиси Рустам Иноятовнинг оёғи гангрена бўлишига қарамай, унинг истеъфосини Каримов қабул қилмаган.

Чунки, жиноят кемасига туш-

АЛИШЕР ЭРГАШЕВ ВА ШОХРУХ СОБИРОВ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Собиров пул гарови эвазига Швейцария маҳкамаси тарафидан озод қилинди.

Гаров пулининг қанчалиги маълум эмас. Шунингдек, бу икки йигит озод қилингандан кейин уларга нима бўлганини ҳам ҳеч ким билмайди...

Диктатор Каримов режимининг ўзига хос қонунларидан бири, бу режимнинг жиноятларига шेरлик қилганларнинг осонгина «кемадан» тушиб қола олмаслигидир. Яъни, диктатор ва унинг ахлоқсиз қизига хизмат қилганлар бирор сабабни рўқач қилиб, ариза ёки истеъфо бериб, ўз лавозимни тарк қила олмайдилар.

Чунки, улар режимнинг жиноятларини билади, уларнинг осонгина озодликка чиқиб кетиши диктатор ва унинг оиласининг

ганлар юқорида айтганимиз каби, осонгина ўзлари истаган соҳилда бу кемадан тушиб қола олмайдилар. Уларнинг тақдири, нари борса, кеманинг қоронғу, яъни энг пастдаги қаватидан жой олиш бўлади. Маълум бўлгани каби, диктатор Каримов кемасининг бу қоронғу қаватига тушганларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди..

Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ҳозирда Алишер Эргашев ва Шохруҳ Собиров МХХ ертўласида сўроқ қилинаётган бўлишлари мумкин. Улар Гулнора Каримованинг жаллодларига ўзларининг Швейцариядаги эътирофлари ҳақида «рапорт» беришга мажбурлар. Уларнинг тақдирини ҳам мана шу «рапортлар» белгилайди.



Агар Алишер Эргашев ва Шохруҳ Собиров Швейцария прокурорларига керагидан ортиқ маълумотлар берилган бўлса, жиноят кемасининг пастки қаватидан жой оладилар.

Аммо улар Гулнорага вафо қилиб, Швейцария прокурорларига унга қарши маълумот бермаган бўлсалар-да, барибир жойлари яна МХХ ертўласи бўлади. Чунки, улар Гулноранинг жиноий сирларига воқифлар.

Шунинг учун ҳам Гулнорага яхшилик ёки ёмонлик қилишларига қарамай, уларнинг тақдирида ўзгариш бўлмайди. Улар қозонга яқин юрганлар. Гулнора Каримованинг қозонида эса заҳардан бошқа нарса қайнамайди...

Фарҳодбек



Сиёсатшунос Усмон Ҳақназаровга раҳмат, ворис президент тайёрлашни амалга ошириш режалари хусусида ёзганлари, башоратлари ҳақиқатга айланмоқда.

Шу пайтгача Гулнора Каримова Форум ТВ ва НТТ каналларида чиқиб турарди, эндиликда давлат каналларини ҳам эгаллай бошлади. Ҳукумат, аниқроғи Каримовнинг югурдаклари жонжаҳди билан Ўзбекистоннинг

ПАХТАНИ ҚУЛЛАР ТЕРИБ, ГУЛНОРА ДАВРОН СУРАРКАНМИ?

номер биринчи хонимини, “Ўзбек гўзали”ни яшашда журналистлар орасида ўзаро мусобақани авж олдириб юборишганини намойиш қилишмоқда.

Тайёрлаш аста-секинлик билан, табиий равишда давом этиши керак эди. Аммо улар шошилганидан ўзлари билмаган ҳолда хонимни халққа ёмон кўрсатиб қўйишмоқда. Одамлар орасида “Гулнора хоним Президент бўлади яқинда, деб гаплар тарқаган, сиз нима дейсиз?” деб биров бировнинг қўйнига қўл солган.

“Э, башаранг ўчсин сани, уятсиз!”, “Вой, ўзбекнинг куни энди шунга қолармишми?”, “Бир оғиз ўзбекча билмайди-ку, халқ олдида не юз билан чиқмоқчийкин?”, “Умрида бир ҳовуч пахта териб кўрганмикан ўзи бу?”. “Уни ким сайларкан Президент қилиб?” “Хонимнинг пардозини, упа-элигига пахтакорнинг бир йиллик

меҳнат ҳақи ҳам етмаса керак...”. “Отасидан қолганини қизи қуритсин, Ўзбекистонни бир йўла қул қилади бу”.

“Анави ТВга чиқиб, ётиб оляпти-я, телевизорчиларнинг ҳам шундан бошқа ишлари қолмабди, наҳотки, отаси индамаса?”

Бекатда икки киши айтишиб қолди. Ўзбекистонда эркаклар қирилиб кетган тақдирда ҳам уни сайламаймиз, деди биттаси.

Биттаси эса, у аллақачон сайланган, ҳозирда ҳам у президент, отаси эса ижрочи. Қўлингдан нима келади? деди.

“Ана томоша-ю, мана томоша, бўлишидан бу юртни Аллоҳнинг ўзи асрасин”, деди бир киши ва худди биров, “нима дединг?” деб ушлаб, камокка соладигандай нарига кетди.

Хуринисо МУХТОР
Тошкент

Очиш: мухтарам тингловчилар, 2001 йил 28 ноябр куни “ЭРК” демократик партиясининг раиси, таниқли шоир Муҳаммад Солиҳ Прага аэропортида ҳибсга олинганидан хабарингиз бор, албатта. 5 декабр куни Озод Европа-Озодлик радиосининг президенти жаноб Томас Дайн Чехия расмийларига расман мурожаат қилиб, сиёсатчини қўйиб юборишни сўради.



“ОЗОДЛИК” РАДИОСИ МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ПРАГАДА ҲИБСГА ОЛИНИШИ БОРАСИДА

Айни вақтда инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотлар ҳам Чех республикаси раҳбариятига айнан шундай мурожаатлар қилишмоқда. Ҳамкасбимиз Фарангиз Саид мурожаатномаларнинг айримлари билан сизларни таништиради. Марҳамат, тингланг.

5 декабр куни Прага шаҳри ва шаҳар суди бош прокурорига йўллаган мурожаатномасида Озод Европа-Озодлик радиоси президенти жаноб Дайн М.Солиҳни Чехия ҳибсхонасидан озод қилишни сўраган.

Мактуб “мен сизларни Муҳаммад Солиҳнинг яхши фазилятли ва олий принципларга амал қиладиган шахс эканига ишонтириш мақсадида мурожаат қилмоқдаман,” деган сўзлар билан бошланиб, унда радио таниқли сиёсатчи, инсон ҳуқуқлари ҳимоячисини суд қарори қабул қилинмагунча кафилликка олишга тайёр экани билдирилган.

Ўзбекистоннинг собиқ сиёсий лидери Муҳаммад Солиҳ 1991 йилги президентлик сайловларида қатнашган ва оппоненти, жорий президент Ислон Каримовга ютқазган.

Шундан сўнг, – деб давом этади Томас Дайн, – таъқибларга учраган, бир неча марта ҳибсга олинган ва шу боис кўп ўтмай мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган.

Норвегияда бошпана топган, Ўзбекистон масалалари бўйича таниқли сиёсий таҳлилчи, инсон ҳуқуқлари ҳимоячисига айланган Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистон Олий суди сиртдан суд қилиб, 15 ярим йилга озодликдан маҳрум этган. Хьюман Райтс Вотч каби нуфузли халқаро ташкилот маҳкама жараёнини кузатиб борган ва айбларни тасдиқловчи далиллар намойиш қилинмаганини қайд этган, дейилади мактубда.

Бундан сўнг Озод Европа-Озодлик радиосининг президенти Томас Дайн Муҳаммад Солиҳ радио дастурларида иштирок этиш учун Прагага таклиф этилганини билдириб, у ватанида инсон ҳуқуқлари ва демократияни тарғиб қилиб келаётган адолатли, виждонли, пок ва довюрак инсон экани таъкидланган.

Чехия расмийларидан Солиҳни қўйиб юбориш сўралган ва у суд қарори қабул қилинмагунча Чехияни тарк этмаслигига кафолат берилган.

Мухтарам тингловчилар, бу мурожаатномага Чехия расмийларининг муносабати шу дамгача аниқ эмас. Чехиянинг ВТК ахборот агентлигининг хабарига кўра, 5 декабр куни Чехия адлия вазирлиги Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларидан Солиҳнинг экстрадиция қилиш талаби билан расмий ҳужжатларни олди. Ҳимоячи Мирослава Кохутова суд ва бош прокурордан Солиҳни қўйиб юборишни сўради. Рейтер ахборот агентлигининг хабарла-

рига кўра, Муҳаммад Солиҳга сиёсий бошпана берган Норвегия ҳукумати ҳам Чехия республикасидан Ўзбекистон муҳолифати лидерни Ўзбекистонга экстрадиция қилиш эмас, балки Норвегияга қайтаришни сўраган.

Айни вақтда Чехия расмийларига бошқа ташкилот ва шахслардан мурожаатномалар келиши давом этмоқда.

Чехия президенти Вацлав Хавел, ички ишлар вазири Станислав Гросс ва бошқа расмийларга йўлланган мурожаатномасида “Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги Қирғиз-Америка Бюроси” деб номланган ташкилот вакиллари ҳам “ЭРК” демократик партияси етакчиси Муҳаммад Солиҳ тақдири юзасидан чуқур хавотир билдириб, Солиҳни қўйиб юборишни сўраганлар ва бу аслида ягона қарор бўлиши мумкинлигини таъкидлаганлар. “Сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон терроризмга қарши кураш ниқоби остида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол қилиб келаётир. Ўзбекистон расмийлари муҳолифатга ҳам, эркин матбуотга ҳам қаршидир”, дейилади мурожаатномада ва Чехия республикаси БМТнинг қатор конвенцияларига, шу жумладан, маҳбус у қийноқларга солиниши мумкин бўлган мамлакатга экстрадиция қилинмаслиги ҳақидаги халқаро ҳужжатга қўшилган давлат экани қайд этилади.

АТ, жаҳон оммавий ахборот воситалари, Интернет саҳифаларида бу мавзуда билдирилаётган фикр, эълон қилинаётган мақолалар орасида 6 декабр куни Yureyja Yuu веб-сайтида чиққан бир мақола эътиборимни ўзига тортди.

Унинг муаллифи Alex Appelbaum шундай деб ёзади: “Ўзбекистон ҳукумати Муҳаммад Солиҳ айбларини тасдиқловчи далилларни Чехияга юборар экан, шу ўринда АҚШ билан ҳамкорлигидан фойдаланиши мумкин. Афғонистондаги аксилтеррор кампаниясида Ўзбекистон АҚШнинг асосий ҳамкорига айланган.

Расмий Вашингтон Солиҳ иши юзасидан ҳеч қандай баёнот қилмади”, деб ёзади Alex Appelbaum YuV интернет саҳифасида 6 декабр куни эълон қилинган мақоласида.

Озодлик радиоси (06.12.2001)



КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

ОШҚОЗОН ВА ИЧАКЛАРНИНГ УМУМИЙ ДАВОСИ (2-4 ҲАФТАЛИК КУРС)

Ошқозон давосига тайёрланиш учун аввало қусиш керак. ("Қусиш" бўлимига қаранг.)

Таом ейиш давомида ва таомдан кейин сув ичиш одатини тарк қилиш керак бўлади. ("Сув" бўлимига қаранг.)

Озикланиш хатоларини тузатиб, таомни яхшилаб чайнаш керак. ("Қасалликлар сабаблари" бўлимига қаранг.)

Қуса олмаганлар учун ҳазмни осонлаштирадиган дорилар:

Таомдан аввал ёки кейин 1/4 чой қошиқ занжабил кукуни ютилади ёки 1 ош қошиқ янги сиқилган занжабил суви ичилади.

Ёки:

Таомдан 1,5-2 соат кейин шакарсиз занжабил, жамбул, далачай ёки қалампир чойи ичилади.

Ёки:

Таомдан кейин тарвуз ейилади ёки ялпиз, янги қалампир, далачай, тархун, жамбул каби яшил баргли ўтлар чайналади.

Муттасил ҳазмсизликда:

Дона қоразира сирка билан намлатилиб, 7-9 соат сирка ичида тургандан кейин суви сузиб, куритилади. Кейин қовурилади ва шу миқдорда қора мурч, оқ қалампир, қора қалампир ва занжабил билан аралаштирилиб, майдаланади. Қунига 1/4 чой қошиқ, таомдан олдин ёки кейин 1/4 чой қошиқ ютилади. Хошишга кўра, таомдан аввал ҳам, кейин ҳам 1/4 чой қошиқ ейиш мумкин. Ошқозонни қувватлантиради, ҳазмни осонлаштиради, ошқозон ва ичаклардаги газни йўқотади.

Ошқозон ва ичаклар учун:

Зигир уруғи, қаттиқ ҳазмсизликда истеъмол қилинади. Зигир уруғи ҳар сафар янги майдаланган бўлиши керак. Сурункали қолит учун майдаланмаган зигир уруғи ишлатилади.

1 ош қошиқ тоза асал, 1 стакан илик сув билан (иликлик даражаси 40 градусдан кўп бўлмаслиги керак) аралаштирилиб, ҳар куни эрталаб оч қоринга ичилади. Эрталаб-кечкурун қунига 2 марта ичилиши мумкин. Оғир вазнлилар учун кунда 1 ош қошиқ, нормал вазндагилар учун 2 ош қошигидан кўп асал ейиш тўғри эмас.

Ичаклардаги зарарли микробларга қарши қуруқ пиёз ва 3-9 дона саримсоқ ейиш ёки ютиш керак бўлади.

Пўсти олинмасдан сабзи, семизўти ёки исмалок суви сиқилади. 150 гр. бу сабзовот сувига 50 гр сув аралаштирилади. Бошқа нарса емаслик шарти билан, тушликкача 2-3 стакан ичилади. Сабзавот суви ўрнига уйда қилинган қатик суви ҳам ичилиши мумкин. Сабзавот ва қатик суви 1 стаканга 1-2 ош қошиқ петрушка ёки селдир барги қўшиб, бойитилади. Қон гуруҳи "В" ва "АВ" бўлганлар ўзлари учун жуда фойдали бўлган картошкани пўстлари билан сиқиб, сувини ичишлари мумкин. Фақат картошканинг гени ўзгармаганлигига диққат қаратиш керак.

Анжир билан хурмо пўстлари олинмасдан ва ювилмасдан ейилиши керак. Ювиш тўғри келса, ювиб, фойдали микроблари кўпайиши учун 1-2 соат кўйилиши керак. Булар бўлмаган тақдирда тарвуз ҳам бўлади.

Чимланган (униб чиққан) бугдой ёки арпа - мукамал дорилардир. Йиллар давомидаги ошқозон-ичак касалликларини ҳам 40 кунда даволаса бўлади. ("Дорилар" бўлимидаги "Чимланган арпа ва бугдой"га қаранг.)

30-50 гр саримсоқли зайтун ёғи шу миқдорда лимон суви билан аралаштириб, ичилади. Саримсоқли зайтун ёғи ҳазм йўллари очиб, даволайди ва қувватлантиради. Жигарни тоза тутати, сафро (ўт пуфаги) тошларининг парчаланишига ва тушшига ёрдам беради. Таом ва салат билан ҳам ишлатса бўлади. Зайтун ёғини меъеридан ортиқ истеъмол қилиш одамни семиртиришини ҳам унутмаслик керак.

Ошқозон ва ичак касалликлари билан оғриган беморларнинг озикланиши 2 усулда бўлади:

1-усул:

Эрталаб (07.00-08.00) 1 стакан асал шарбати ичилади

1-2 соат кейин сабзи суви, исмалок суви, семизўти суви, грейфрут суви ёки қатик сувини ичиш бошланади ва тушликкача (2-3 стакан) давом этилади. Бу орада 1-3 дона саримсоқ ейилади.

Тушликда (соат 13.00-14.00) салат, қатик ёки кўкатлар билан 1 тур таом ейилади. Таом билан бирга ёки кейин 1-3 дона саримсоқ ютилади. Саримсоқ ўрнига янги пиёз ейиш мумкин.

Кечкурун (соат 19.00-20.00) 1-3 дона саримсоқ ютилади ва зигир уруғи ёки 1-3 қошиқ кўқарган бугдой ювиб, ейилади (асал ва

саримсоқ қўшиш мумкин) ёки анжир, хурмо ёки тарвуз ейилади (хурмони тарвуз билан еса бўлади). Янги анжир ўрнига сув билан намланган ва зайтун ёғида бир кун турган қуруқ анжир еса ҳам бўлади.

Кўк пиёз, семизўти, селдир, янги ловия ёки қовоқ каби сабзавотлардан бири, арпа нони, гуруч нони ёки палов билан ейилиши мумкин. Ёки қаватак, қатикли шўрва, лимонли пача шўрваси, ёки палов билан кўкатли ёки саримсоқли қатик ейиш мумкин. Ёғ сифатида фақат рафина этилмаган зайтунёғини доғласадан қўлланиш керак. Зайтун ёғига саримсоқ, янги пиёз, майдалаб тўғралган петрушка, селдир барги, қоратундак, райхон, жамбул, ялпиз каби яшил сабзавотлардан бири аралаштириш мумкин. Қора-зиравор сифатида шамбала, қоразира, дафна баргини ишлатиш мумкин. Қон гуруҳи "0" бўлганлар учун гўшт, қизил қалампир, дафна барги, қоразира, жамбул кўп миқдордаги пиёз билан намланади, аввал суви ичилади кейин бир миқдор гўштан ейилади. Гўшт билан нон ёки палов ейилмайди.

2-усул:

Эрталаб 1 ош қошиқ асал билан тайёрланган асал шарбати ичилади.

1 соатдан кейин 1-3 ош қошиқ янги кўқарган бугдой ёки арпа нишонаси ювиб, ейилади. Мавсум ва хошишга кўра, кўқарган бугдой ўрнига янги анжир ёки лимон ва саримсоқли зайтун ёғи кўшилган кўкатли салат ейилади. Унга саримсоқ ҳам қўшиш мумкин.

Очикқанда сабзи, исмалок, семизўти ёки қатик сувлари ичилади ва кечгача (3-4 стакан) шундай давом этилади. Орада 3 дона саримсоқ ҳам ейилади.

Кечкурун саримсоқ ва асал билан бирга зигир уруғи, кейин анжир ёки хурмо ейилади (хурмони тарвуз билан еса бўлади). Янги анжир ўрнига сув билан намланган ва саримсоқли зайтун ёғида бир кун турган 3 дона қуруқ анжир еса ҳам бўлади.

Ҳар ким ўз ичакларининг ҳолатини билгани нисбатига соғлигини бошқариши мумкин.

Бунинг учун:

1 дона қизил лавлаги (100-150 гр) тўғралиб, лимон суви, саримсоқ ва зайтун ёғи билан салат қилинади. Бу салат кичик нон бўлаги билан ёки, яхшичи, нонсиз ейилади.

Қизил лавлаги салати ейилганидан 3 соатдан кейин сийдикни кузатишга ўтилади, 36 соатгача кузатилади. (Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Ичак соғлом бўлса, қизил лавлаги ранги қонга аралашмайди ва сийдик билан чиқмайди. Сийдик ранги нормал бўлади.

Ичак касал бўлса, лавлаги ранги қонга аралашади, сийдик ҳам қизил ранга киради. Бу ҳолатда лавлаги танадан бутунлай чиққунича (24-36 соат) сийдик ранги қизил бўлиб қолади. Бу ичакларнинг касаллигига ишоратдир.

Сийдик ранги қанчалик қизил бўлса, ичак ҳам шунчалик бузилган бўлади. Агар сийдик ранги оч қизил бўлса, бу нормал ҳисобланади. Сийдик бир неча соат бўйича қизил бўлиб, ора-сира тоза ранг берса, ичак айрим жойларида касаллангандир. Бу ҳолда ичак давоси қилиниши керак.

Ошқозон ва ичакларни қувватлантириш ва қон айланишини жонлантириш учун қуйидаги дорилардан бири қўлланилади:

Кунда икки марта бир ош қошиқ ўз пўсти билан сиқилган янги занжабил суви оч қоринга ичилади.

Янги занжабил ўз пўсти билан тўғралади ва тоза асал билан аралаштирилади. Кунига 1 ош қошиқ ейилади.

50 гр занжабил кукуни 200 гр асал билан аралаштирилади ва кунда икки марта ярим чой қошиқдан ейилади.

Ёки:

Седана ва қоразира айни микдорда туйилади, эзилган саримсоқ кўшиб, асал билан аралаштирилади ва ҳар куни эрталаб оч қоринга ёки ҳар куни кечқурун уйқудан аввал бир ош қошиқ ейилади.

Ҳазм тизимининг кучли ва соғлом бўлишини истаган ҳар бир киши бу муолажани йилда 2-3 марта 2 ҳафталик курслар шаклида қилиши керак.

Кўричак (аппендицит) жарроҳлигидан ўтганлар янги ёки қуруқ занжабил ишлатишни ташла-масликлари, вақти вақти билан 1-2 ойлик танаффуслар қилиб, истъомол қилишни давом эттиришлари керак. (Занжабил чой сифатида, овқатларга қоразиравор сифатида ёки тўғралиб, асал билан аралаштириб ҳам ейилади.)

Ичак даволаниши учун юқорида айтилганлардан бирини қўллаб, бошқа томондан танаффусларда соғайгунча 3 кунлик оч қолиш қўлланилади. Бу ерда 3 кунлик рўзанинг роли катта. Кенгайган ошқозон ва ичаклар фақат бу рўза ёрдамида нормал шаклга келади.



Аввалроқ пайдо бўлган чуқурчалар, кенгайишлар, ва яллиғланиш сабабли юзага келган ичаклардаги муайян кизишлар мазкур даво билан йўқотилади.

Ичакни даволаш давомида анжир, хурмо, занжабил, зиғир уруғи, саримсоқ ва асал ейиш керак. Ичаклар ҳолати қанчалик оғир бўлса ҳам, яланғоч, яраланган, қисман торайган, кенгайган, чуқурчалар ҳосил қилган бўлса, ҳам яхшиланади, агар юқорида келтирилган даво диққат билан қилинса.

Давонинг мақсади:

Ичакларни сано билан ҳаракатга келтирмоқ; Зиғир уруғи билан тозалаш ва шишларни йўқотмоқ; Саримсоқ билан зарарли микробларни ўлдирмоқ; Семизўти, исмалоқ, сабзи ёки қатик суви билан яраларни ёпмоқ; Анжир ва хурмо билан керакли микробларни ичакларда кўпайтириб, уларни қувватлантирмоқ; Рўза билан ошқозон ва ичаклар ҳолатини аввалги ҳолатига келтирмоқдир.

Ошқозон ва ичаклар давола-нар экан, барча тана даволанган ҳисобланади. Чунки Аллоҳнинг яратган мукамал усқунаси шундай ишлайди. Шундай экан, замонавий тиббий услубларнинг бир аъзони даволаб, бутун танани хароб қилганини ҳар куни турли мисолларда кўрмоқдамиз.

ПАРАЗИТЛАР

Ер юзини чириб бошлаган органик моддалардан тозалаш учун минглаб хил курт, бир хужайралилар ва микроблар бор. Инсон танасида ҳам бу тозалашни амалга оширувчи

тахминан, икки минг хил жонзот турлари (курт, бир хужайралилар ва микроблар) бор.

Атрофимизда бўлган мингларча турли паразит ва уларнинг уруғлари нафас ва ҳазм тизимига киради, органларда ва тўқималарда жойлашиб, кўпайишади. Фақат соғлом вужудгина паразитларни ўзига қабул қилмайди, тўғрироғи, соғлом танада паразит яшашига шароит йўқ.

Аммо ҳазмсизликдан қийналадиган, қўшимчали таомлар ейдиган кишининг ичаклари, жигари, мияси, ошқозоноти бези ва мускулларида қолдиқлар тўпланиб, чириш юзага келади, тананинг кимёвий таркиби бузилади ва бу паразитларнинг кўпайишига шароит тайёрлайди. Ичакларда ҳосил бўлган яралар воситасида паразит уруғлар қонга аралашиб, бутун аъзо ва тўқималарга тарқалади. Иммуни-тет тизими кучи билан эса уруғлар қабулланиб, пассив ҳолга келтирилади. Капсулалар билан қопланган уруғлар жиддий касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, гижжа уруғларининг - шизофренияга, эгземага, депрессияга ва астмага, қил (острица) куртларининг - мигренга сабаб бўлгани аниқланган.

Аммо иммунитет тизими заифлашган, тананинг кимёвий таркиби дори ва кимёвий моддалардан бузилган бўлса, паразит уруғларни қабуллалар билан пассив ҳолга келтираолмайди ёки ҳосил бўлган капсулалар эриб, уруғдан чиққан паразитлар ичакда эмас, аъзолар ва тўқималарда жойлашиб, кўпаяди.

Одам яшар экан, қабр ҳаётида олдида чиқадиган бу қўрқинчли паразитлар уруғларини ҳаётлигида бириктирмоқда. Инсон руҳи танани тарк этгандан сўнг, бу капсул шаклида мавжуд бўлган паразит уруғлари қабрда жонлана бошлайдилар. Аммо бугун ахвол ўзгарди, бугун бу паразитлар ҳали ўлмаган инсон вужудида жонланиб, унга қабр азобини бу дунёда кўрсатмоқда. Паталогоанотомик тадқиқотларда ичи ёрилган жасадларнинг 90 фойизиди бир хужайрали ва оддий куртларга дуч келинган.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош